



323  
Ф24



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
«ТАСВИРИЙ ОЙИНА»  
ИЖОДИЙ УЮШМАСИ**



**ФАОЛ ТАДБИРКОРЛИК,  
ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР  
ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР –  
ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ  
ТАВСИЯЛАР**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
“ТАСВИРИЙ ОЙИНА”  
ИЖОДИЙ УЮШМАСИ

# **Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологиялар – таракқиёт пойдевори**

**“2018 йил – Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва  
технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да  
тасвирий воситалар орқали амалга ошириладиган  
маънавий-маърифий, тарғибот-ташвиқот ишларида  
қўлланиладиган матнлар, қайдлар,  
хикматли сўзлар, халқ мақоллари  
ва шиорлар бўйича**

**ТАВСИЯЛАР**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологиялар – тараққиёт пойдевори** – Т.: «Extremum-press», 2018. 96 бет.

“Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологиялар– тараққиёт пойдевори” номли тавсиялар саҳифаларида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз” китобидан, маъруза ва нутқларидан олинган қайдлар, инновацион ғоялар ва технологиялар хусусидаги матнлар, донишмандларнинг ибратли сўзлари, халқ мақоллари, шеърий мисралар, фаол тадбиркорлик, инсон манфаатларини улуғлаш, она Ватанни ҳимоя қилиш, мустақилликни мустаҳкамлаш, соғлиқни сақлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, маънавий кадриятларни эъзозлашга ундовчи қайдлар ва ҳикматлар жамланган.

Тавсиялардан марказий кўчалар, бозорлар, хиёбонлар, бекатлар, автотранспорт воситалари, темир йўл ва метро вагонлари ҳамда одамлар гавжум бўладиган, оммавий тадбирлар ўтказиладиган манзилларга ўрнатиладиган баннерлар, плакатлар ва турли тасвирий-тарғибот воситаларини, маънавий-маърифий тадбирларни тайёрлашда фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, тавсияларимиздан вазирликлар, давлат кўмиталари, агентликлар, концернлар, уюшмалар, бирлашмалар, банклар, компаниялар, марказий муассасалар, маҳалла, таълим муассасалари ва жамоат таъкилотлари маънавий-маърифий, тасвирий тарғибот воситаларида кенг фойдаланиш тавсия этилади.

Бош муҳаррир: **Исфандиёр ЛАТИПОВ.**

Тақризчилар: **Алишер КАДИРОВ** – Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари,  
**Муҳаммаджон ҚУРОНОВ** – педагогика фанлари доктори профессор,  
**Дилноза КАТТАХАНОВА** – Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Кенгаши раиси ўринбосари,  
**Тўлқин ТОҒАЕВ** – филология фанлари номзоди, доцент.

Нашрга тайёрловчи: Дилмурод **ҚИРҒИЗБОЕВ.**

# ИНСОНИЯТ ОЛИЖАНОБ ҒОЯЛАРСИЗ


## ЯШАЙ ОЛМАЙДИ

*Мустақиллик йиллари юртимизда ҳар қайси йилга аниқ бир ном бериб, шу асосда махсус давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш яхши анъанага айланди.*

- 1996 йил – Амир Темур йили.
- 1997 йил – Инсон манфаатлари йили.
- 1998 йил – Оила йили.
- 1999 йил – Аёллар йили.
- 2000 йил – Соғлом авлод йили.
- 2001 йил – Оналар ва болалар йили.
- 2002 йил – Қарияларни кадрлаш йили.
- 2003 йил – Обод маҳалла йили.
- 2004 йил – Меҳр ва мурувват йили.
- 2005 йил – Сихат-саломатлик йили.
- 2006 йил – Ҳомийлар ва шифокорлар йили.
- 2007 йил – Ижтимоий ҳимоя йили.
- 2008 йил – Ёшлар йили.
- 2009 йил – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили.
- 2010 йил – Баркамол авлод йили.
- 2011 йил – Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили.
- 2012 йил – Мустаҳкам оила йили.
- 2013 йил – Обод турмуш йили.
- 2014 йил – Соғлом бола йили.
- 2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили.
- 2016 йил – Соғлом она ва бола йили.
- 2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили.
- 2018 йил – Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни кўллаб-қувватлаш йили.

“Инновация”, яъни “novatio” – латин тилида “янгилаштириш”, “ўзгартириш” деган маънони англатади. “In” – киритиш, “innovatio” – “янгилик киритишга қаратилган” деган маънони билдиради.

# ЭЛНИНГ ДАРДИ БИЛАН КУЙСАГИНА ЖОН, ЎША ЖОН ЭГАСИ ҲАҚИҚИЙ ИНСОН.



## ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ 2017-2021

**2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада  
ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши  
бўйича Ҳаракатлар стратегияси**

Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда парламентнинг ҳамда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, давлат бошқаруви тизимини ислох қилиш, давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, "Электрон ҳукумат" тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари сифати ва самарасини ошириш, жамоатчилик назорати механизмларини амалда татбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш;

қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилишга йўналтирилган суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарасини ошириш, суд жараёнида

тортишув тамойилини тўлақонли жорий этиш, юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш;

**иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш;**

**ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш, ижтимоий ҳимояси ва соғлиғини сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, арзон уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш;**

**хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритишга йўналтирилган давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил кўшничилик муҳитини шакллантириш, мамлакатимизнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш.**

## **“ФАОЛ ТАДБИРКОРЛИК, ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ”ДА “ТАСВИРИЙ ОЙИНА” ИЖОДИЙ УЮШМАСИ ХОДИМЛАРИНИНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИ**

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимиз ва жамиятимиз истиқболга хизмат қилувчи устувор вазифалар кўзда тутилган.

Юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар халқимиз томонидан қўллаб-қувватланаётгани баробарида аҳолининг ижтимоий фаоллигини ошириб, эртанги кунга ишончини мустаҳкамламоқда.

Президентимиз томонидан илгари сурилган “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, деган эзгу ғоя асосида қабул қилинаётган қарор ва фармонлар юртдошларимизнинг ҳаётдан розилигини, жамиятда ўз ўрнини топаётганидан мамнунлигини ифода этмоқда.

2017 йил халқ билан яқиндан мулоқот асносида унинг дарду ташвишлари, ҳаётий муаммоларини самарали ҳал этиш бўйича янги тизим яратилгани билан тарих саҳифаларига муҳрланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси – фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг ўзига хос демократик институти юртимизда инсон манфаатлари юксак даражага кўтарилганини кўрсатди. Қисқа муддатда бир ярим миллиондан ортиқ фуқаро қабулхоналарга мурожаат қилиб, муаммосининг ижобий ҳал этилишига эришаётгани фикримиз далилидир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Өлий Мажлисга Мурожаатномаси 2018 йил мамлакатимизда инновацион ғоялар ва янги технологияларнинг ҳаётга кенг татбиқ этилиши билан боғлиқ янги даврни бошлаб берди. Энди ҳар бир юртдошимиздан тараққиётимизга хизмат қиладиган ташаббуслардан ортда қолмай, мавжуд илмий ва янги ғоялар, технологиялар асосида иш юритишга ҳаракат қилиш тақозо этилади.

Илғор технологияларни жорий этиш воситасида янги иш ўринлари яратилади, мамлакатимизда янада рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариб, жаҳон бозорига янада кенг йўл очилади.

Демак, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш замонавий фикрлайдиган фаол тадбиркорлар сафини кенгайтиришга, бинобарин, инновацион янгиланишлар мамлакатимиз иқтисодий салоҳияти ва қудратини янада ортишида муҳим омил бўлади.

“Асосий мақсад одамларга барча зарур қулайликлар яратишдир”, “Барча саъй-ҳаракатларимиз замирида халқимизни рози қилиш мақсади мужассамдир”, “Инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш – одамийликнинг энг олий мезони” деб Президентимиз Шавкат Мирзиёев қайта-қайта таъкидлагани бежиз эмас. Уларнинг замирида “Элнинг дарди билан куйсагина жон, ўша жон эгаси ҳақиқий инсон” деган теран маъно мужассамдир.

Айтиш керакки, ижодий уюшмамиз олдида турган вазифаларнинг ижросини таъминлаш кенг тарғибот ишларини замондан ортда қолмай бажаришни талаб этади. Шу мақсадда ижодий уюшма маҳаллий ҳокимликлар буюртмаси асосида шаҳар, туман марказлари, аҳоли яшаш манзилларида она Ватанга муҳаббат ва маънавий қадриятларга эҳтиром руҳида тарбияловчи шиорлар ва матнлардан фойдаланиб, марказий кўчалар, бозорлар, хиёбонлар, бекатлар, автотранспорт воситалари, темир йўл ва метро вагонлари ҳамда одамлар гавжум жойларга, оммавий тадбирлар ўтказиладиган манзилларга баннерлар, плакат ва бошқа тасвирий-тарғибот воситаларини жойлаштириб, Ўзбекистоннинг тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик йўлида олиб борилаётган ишларни, мамлакатимизда янгиланиш ва ислохотлар жараёнини намойиш қилувчи ижобий ўзгаришларнинг асл ижодкори замондош юртдошларимиз эҳтироғини акс эттирувчи кўчма фотоқўрғазмалар уюштириб, таъсирчан тарғибот ишларини бажариб келмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ўтган бир йил ичида қабул қилган фармон ва қарорлари асосида юртимизда илм-фан, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, спорт, ҳарбий ватанпарварлик ва бошқа муҳим соҳалар изчил раванқ топмоқда. Шундай экан, бу янгиланишларга мос равишда ўтмиш ва замонавий адабиётимиз намояндаларининг, алломаларимизнинг дурдона сўзларини, ҳикматларини, таъсирчан ибораларини масъулият билан тасвирий-тарғибот воситаларида тарғиб этиш муҳим вазифамиздир.



Она Ўзбекистонимизнинг муқаддас тимсоллари, Давлат рамзлари акс эттирилган баннер ва плакатларни тайёрлашда жойлардаги бадий кенгашлар қонун талабларига қатъий риоя қилиб пухта иш олиб боришлари, кенгаш аъзолари томонидан рангларни тўғри танлаш асносида инсон руҳиятига маънавий таъсири, тасвирларнинг ҳаётийлиги, самимийлиги, сўз қудрати сингари ижодий омиллар эътиборга олинishi, тасвирларнинг яхши китоб каби ҳикматга, маърифатга бой бўлиши ҳамюртларимиз қалбига етиб бориб, уларга хуш кайфият, ғурур ва ифтихор уйғотиши ишимизнинг нақадар масъулиятли ва шарафли эканини ифодалайди.

Мустақиллик, озод ва обод Ватан, истиқлол неъматлари, Миллий Армиямиз, истеъдодли ёшлар, ибратли анъана ва қадриятларимиз, маҳалла, халқимизнинг бошқалар ҳавас қилса арзигулик фазилатлари, умумхалқ байрамларимиз каби кўплаб мавзуларга бағишланган минглаб ранг-баранг маҳобатли паннолар, тасвирий тарғибот воситалари юртимизнинг шаҳар ва қишлоқларида аҳолимизни хушнуд этмоқда. Саккиз мингта яқин замонавий тарғибот воситалари билбортлар, светодиод экранлар, сити-формат қурилмалари шулар жумласидандир.

Анъанавий равишда ўтказиб келинаётган “Ўзбекистон — умумий уйимиз” санъат фестивалларида турли миллат вакилларининг миллий-маданий қадриятлари кенг намойиш этилмоқда. “Биз сенинг фарзандларингиз, Ўзбекистон” ҳамда бошқа мавзудаги фото ва халқ амалий санъати асарлари кўргазмаси каби тарғибот ишлари 138 та миллий маданий марказлар анъаналарини акс эттирувчи кўчма фотоқўргазмалар, “Диний экстремизм ва терроризмнинг мудҳиш кийёфасини-фош этувчи” фотоқўргазмалар барча вилоятларда режали намойиш этиб келинмоқда.

Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар доирасидаги янги лойиҳалар мунтазам ижодий изланишга чорлайди. Бу эса уюшма аъзоларидан, дизайнер ва фотосуратчилардан ўз истеъдодини намоеън этиш, ўз ишига масъулият билан ёндашишни талаб этади.

Маънавий, ахлоқий, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган миллий гоё тарғиботида тасвирий воситаларнинг ўрни бекиёс. Йилнинг

тўрт фаслида 24 соат доимий равишда одамлар кўз ўнгида гавдаланиб турувчи тасвирий воситалар ҳар куни миллионлаб кишиларга меҳр-оқибат, эзгу ғоя ва теран фикр, одамийлик улаша олишига эришиш ниҳоятда зарурдир.

“Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси жорий йилда “**Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологиялар – келажак пойдевори**” номли тасвирий-тарғибот воситаларида фойдаланиш учун “**Тавсиялар**” қўлланмасини чоп этиб, юртимизнинг барча ҳудудларига етказиб бермоқда. Йўл бўй-ларида ўрнатилган шитлар, бинолар пештоқлари, бозорлар, маданият ва истироҳат боғлари, хиёбонлар, таълим муассасалари, маънавият ва маърифат хоналари, оммавий тадбирлар ўтадиган жойларни безашда бу қўлланмадан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

“Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”нинг қандай кечиши ҳар биримизга боғлиқ. Бунинг учун инновацион яшаш ҳар биримизнинг ҳаёт тарзимизга айланиши, ҳар бир ўзбекистонлик ўз ишининг инноватори бўлиши керак. Тасвирий тарғиботчи “нима қилсам, ишимнинг самараси ошади?” деб ижодий изланиб, масъулият билан ишлаб, ғояни одамлар онгига сингдира олса, сўзсиз, юқори натижаларга эришамиз.

Дунёдаги энг катта гонорар Рим императори Марк Аврелий томонидан шоир Оппианга берилган экан. Унинг балиқ тутиш ва ов қилиш ҳақидаги дostonларининг ҳар бир сатри учун бир олтин танга ҳадя қилинган. Эътибор берилса, бу ерда улуғ бир инновацион ҳикмат кўринади. Яъни, рим императори шоир Оппианга севги-муҳаббат ҳақидаги дoston учун эмас, одамларни балиқ тутишга, ов қилишга ўргатувчи дostonига жуда катта миқдорда олтин танга ҳадя қилган. Бу инновация билан ўз халқига балиқ тутишни ва ов қилишни ўргатиб, халқини иқтисодий эҳтиёжини қондирган экан. Бунда Оппиан – новатор, император – инноватор ролини бажарган бўлиб чиқади.

Иккинчи жаҳон уришидан кейин Ватанини тиклаш, ривожлантириш учун жонини, молини, соғлиғини, азобли меҳнатини берган япон, корейс, немис халқларининг бутунги ривожига дунё аҳли ҳавас қилади. Улар келажакка ишонч билан, ўз миллий

ғояларини маҳкам тутиб, садоқатли меҳнат орқасидан бугунги фаровонликка эришганини яхши биламиз. Бу ютуқларга инновация ва янги технологиялар жорий этиш билан эришилган. Хитой Халқ Республикасидаги кенг кўламли иктисодий ютуқлар ҳам айнан инновацион ғоя ва янги технологияларнинг кенг жорий этилганлиги натижасидир.

Миллатнинг орзу-мақсадларини реклама ҳамда ташқи тарғибот воситаларида яққол кўрамиз ва тегишли хулосалар чиқарамиз. Ҳар қандай тасвирий тарғибот воситаларидаги ижтимоий рекламаларнинг мафқураси одамларни муайян ғояга ишонтириш, халқни уюштириш ва сафарбар этиш, маънавий-руҳий рағбатлантириш, ғоявий тарбиялаш ҳамда иммунитет ҳосил қилиш каби кўзланган мақсадларни ифода этиши лозим. Қайфиятни кўтарадиган, дилни равшан торттириб, орзуларга қанот бўладиган тасвирий воситалар яратилишини шиддатли даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Интернет, замонавий ахборот-коммуникация воситаларининг жадал ривожланиб бораётгани, биз – тасвирий тарғиботчиларни янада фаоллаштиришга, халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг орзу-интилишларига ҳамоҳанг тарзда фаолият юритишга ундайди.

**Исфандиёр ЛАТИПОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси “Тасвирий ойна”**  
**ижодий уюшмаси Бошқаруви раиси.**

**2018 йил – Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили**

## **ФАОЛ ТАДБИРКОРЛИК, ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР–ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ**

*(Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси ва шу мавзуга оид бошқа қайдлар)*

Ватанимизнинг тақдири ва келажаги, жондан азиз болаларимизнинг бахту камоли каби улуғ мақсадлар йўлида барчамиз белимизни маҳкам боғлаб ишлашимиз, бор ақл-заковат, билим ва тажрибамизни, жонажон Ватанимизга фарзандлик меҳримизни ва садоқатимизни сафарбар этишимиз керак.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси Ўзбекистонда инновацион яшаш ва ривожланиш даврини бошлаб берди.

\*\*\*

Мамлакатимизни янада тараққий эттириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган мақсад ва вазифаларни бажаришда давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч-ғайратини сафарбар этайлик.

\*\*\*

Ўзбекистон жуда бой табиий ресурсларга, катта иқтисодий салоҳиятга эга давлатдир.

\*\*\*

Бебаҳо табиий бойликларимизни халқимиз манфаати йўлида оқилона ва самарали ишлатайлик.

\*\*\*

Эркин ва фаровон келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз.

\*\*\*

Бу ҳаётда ҳеч нарса ўз-ўзидан бўлмайди, ўзимиз ҳаракат қилмасак, ҳеч ким ёрдам бермайди.

\*\*\*

Инновация – янгиланиш ва келажак демакдир.

\*\*\*

Буюк келажакимизни барпо этишни инновацион ғоялар ва ёндашувлар асосида бошлашимиз керак.

\*\*\*

Янги фикрга, янги ғояга, инновацияга таянган давлатнинг келажаги буюкдир.

\*\*\*

Инновацион яшаш ҳар биримизнинг ҳаёт тарзимизга айланиши лозим.

\*\*\*

Новаторлик – бу янги ғояни ўйлаб топиш, кашф қилиш. Инноваторлик янги ғояни молиялаштириб, новациядан фойда келтирадиган технология асосида бозорталаб маҳсулот яратиш демакдир.

\*\*\*

Фаол тадбиркор рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир, янги иш ўринлари яратиб, ўзини ва оиласини боқадиган, бутун жамиятга наф келтирадиган ишбилармондир.

\*\*\*

Фаол тадбиркор ва ишбилармон, энг аввало, инноватор бўлиши зарур.

\*\*\*

Фаол тадбиркор инноватордан ташкилотчилик, кучли характер, ижтимоий малакага эга бўлиш ва ўзига масъулиятни олиш талаб этилади.

\*\*\*

Фаол тадбиркорлик бизнес фаолиятини инновация, илғор технология ва бошқарув усуллари асосида ташкил этадиган иқтисодий йўналишдир.

\*\*\*

Илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантиришга зарур молиявий ресурсларни сафарбар этиш, ушбу

жараёнда иктидорли ёшлар иштирокини, ижодий ғоя ва ишлан-маларни қўллаб-қувватлаш эътиборимиз марказидадир.

\*\*\*

Юқори технологиялар, илм-фаннинг дунёдаги энг сўнгги ютуқларига асосланган техника ва асбоб-ускуналарни мамлакатимизга олиб келиш ва жорий этиш учун тадбиркорларга муносиб шароитлар яратиш биринчи галдаги вазифамиздир.

\*\*\*

Жаҳон фани ва инновация фаолиятининг ютуқларидан кенг фойдаланиш барча соҳаларни барқарор ривожлантиришнинг, мамлакатнинг муносиб келажагини барпо этишнинг муҳим омилidir.

\*\*\*

Замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда янги фикр, янги ғоя ва инновацияга таянган давлат ютади.

\*\*\*

Бизнинг йўлимиз тадбиркорлик ва яна бир бор тадбир-корлик, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ва жаҳон бозорида ўз ўрнимизни эгаллашдир.

\*\*\*

Асосий мақсадларимиздан бири ташқи бозорга сифатли ва сертификатланган маҳсулотларни “Ўзбек бренди” номи билан олиб чиқишдан иборатдир.

\*\*\*

Илғор хорижий тажриба, жаҳон фанининг замонавий ютуқлари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар асосида иктисодиётнинг барча тармоқлари ва ижтимоий соҳани жадал ривожлантирайлик.

\*\*\*

Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтиш муҳимдир.

\*\*\*

Инновация – бу келажакдир.

\*\*\*

Инновацион ғоялар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш учун мавжуд имкониятлар ва салоҳиятдан етарлича фойдаланайлик.

\*\*\*

Инновацион ғоялар ва ишланмаларни тўлиқ рўёбга чиқариш ва амалий жорий этиш изчил ва барқарор ривожланишнинг омилидир.

\*\*\*

Инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни амалга оширишда давлат-хусусий шерикликни татбиқ этиш муҳим аҳамиятга эгадир.

\*\*\*

Илмий тадқиқот ва инновация фаолиятини, энг аввало, ёш авлоднинг ижодий ғоялари ва ишланмаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайлик ва рағбатлантирайлик.

\*\*\*

Мамлакатимиз илмий тадқиқот ва инновация фаолиятининг истиқболли ютуқларини тарғиб қилиш ва жорий этишнинг самарали механизмларини яратайлик.

\*\*\*

Давлат хизматлари сифатини яхшилаш, уларнинг кўламини кенгайтириш орқали аҳоли учун қулай муҳит яратиш муҳим вазифадир.

\*\*\*

Фаол тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, бизнес субъектларини жадал ва барқарор ривожлантириш муҳим вазифамиздир.

\*\*\*

Бозор иқтисодиёти шароитида тенг ва ҳалол рақобат муҳитини яратиш муҳимдир.

\*\*\*

Ноқонуний текширишлар, хусусий бизнес фаолиятига асосиз аралашишга чек қўйиш зарур.

\*\*\*

Ҳақиқий олимлик, ҳақиқий ижодкорлик игна билан қудук қазишдек машаққатли ишдир.

\*\*\*

Илм-фан – тараққиёт демакдир.

\*\*\*

Илмдан ўзга нажот йўқ ва бўлмагай.

\*\*\*

Миллий иқтисодиётга юқори даромад келтирадиган  
истикболли тармоқлардан бири – бу туризмдир.

\*\*\*

Ўзбекистон туризм соҳасида улкан салоҳиятга эга давлатдир.

\*\*\*

Мамлакатимизнинг бетакрор табиати, гўзал дам олиш  
зонлари имкониятларидан фойдаланиб, янги туристик  
йўналишлар очиш муҳимдир.

\*\*\*

Биз қандай маррага эришмоқчи бўлсак, унга фақат она  
юртимизга меҳр-муҳаббат, садоқат ва фидойилик билан  
эришамиз.

\*\*\*

Бугунги кундаги энг муҳим вазифамиз одамларни кўпроқ  
даромад топишга ва шу асосда яхши яшашга йўналтиришдир.

\*\*\*

Одамларнинг розилиги – бу энг катта натижа.

\*\*\*

Миллий ғоя – халқ орзуси, ниятининг ифодаси.

\*\*\*

Тажрибаси камроқ бўлса ҳам миллатни, мамлакатни  
севадиган ёшлар керак.

..



## **МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИМИЗНИ ҚАТЪИЯТ БИЛАН ДАВОМ ЭТТИРИБ, ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРАМИЗ**

*(Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мавзусидаги 2017 йил 15 июнда ўтказилган анжуманда сўзлаган нутқи ва Бирлашган Миллатлар Таъкилотининг Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқидан олинган матнлар).*

**Муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон мурося қила олмаймиз. Ислон фақат нурли ҳаётга, илм-маърифатга, яхшиликка ундайди.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада баҳамжихат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қилайлик.

\*\*\*

Соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, ёшлар тарбияси, тинч, осуда ҳаётимизни, муқаддас динимиз поклигини асраш вазифаси улкан аҳамиятга эгадир.

\*\*\*

Ўзбекистон замини ислон илм-фани ва маданиятининг қадимий бешиқларидан биридир.

\*\*\*

Бутун жаҳон жамоатчилигига ислон динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишни энг муҳим вазифа, деб ҳисоблаймиз.

\*\*\*

Ислон дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади.

\*\*\*

Мусулмонлик ҳар биримизнинг юрагимизда, виждонимизда бўлиши лозим.

\*\*\*

Инсон имон-эътиқодли бўлса, юртига содиқ бўлиб хизмат қилса, у ҳақиқий ватанпарвардир.

\*\*\*

Имом-хатибларимиз юксак маънавияти, одоб-ахлоқи билан, аввало, ўзлари бошқаларга ибрат ва намуна кўрсатмоғи лозим.

\*\*\*

Жаҳолатга қарши маърифат, таълим-тарбияни кучайтириш билан курашиш зарур.

\*\*\*

Мақсадимиз қўшни давлатлар билан рақобат қилиш эмас, балки ҳамкорлик алоқаларини кучайтириб, умумий муаммоларни биргаликда ечишдир.

\*\*\*

Ижтимоий-маънавий муҳитни ва аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, ёшларни турли экстремистик оқимлар таъсиридан асраш барчамиз учун энг асосий вазифадир.

\*\*\*

Ҳаммамиз мусулмонмиз, бунинг шукронасини қилиб, фарзандларимизни ҳам бундай неъматнинг кадрига етадиган инсонлар этиб тарбиялашимиз керак.

\*\*\*

Тинчлик ва эзгулик йўлидан бориб ҳеч ким кам бўлмаган.

\*\*\*

Халқимиз мард ва олижаноб халқ, кимки чин дилдан узр сўраса, тавба қилса, албатта, гуноҳидан кечади.

\*\*\*

Биз ўз йўлимизда қандай хавф-хатарга дуч келмайлик, уни фақат мустаҳкам иродамиз, дину диёнатимиз билан енга оламиз.

\*\*\*

# ЖИСМОНИЙ ВА МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛ ЁШЛАР БУГУНГИ ВА ЭРТАНГИ КУНИМИЗНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧИДИР

*(Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг 2017 йил 30 июндаги IV қурултойида сўзлаган нутқидан олинган ва шу мавзудаги матнлар).*

Мамлакатимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга, бу йўлда бор билим ва салоҳиятини сафарбар этишга қодир бўлган, азму шижоатли ёшларни тарбиялаб вояга етказиш биз учун энг муҳим масаладир.

## Шавкат МИРЗИЁЕВ

Замонавий билим ва касб-хунарларни пухта эгаллаган, мустақил фикрлайдиган, доимо эл-юрт тақдирига дахлдорлик туйғуси билан яшайдиган ёшларимиз бизнинг фахримиздир.

\*\*\*

Юртимиз ёшлари эртанги кунимиз эгаларидир.

\*\*\*

Ёш авлод тарбияси муҳим ва долзарб аҳамиятга эга вазифадир.

\*\*\*

Ёшларимиз тарбияси қанчалик мукамал бўлса, халқ шунча бахтли яшайди.

\*\*\*

Фаолиятимизни ёшлар билан бевосита ишлашга, улар билан амалий мулоқот қилишга, уларни ўйлантираётган ҳаётий муаммоларни ҳал этишга қаратайлик.

\*\*\*

Ҳар қандай ислоҳот миллионлаб ёшларнинг ҳаёти ва келажагига бевосита дахлдордир.

\*\*\*

Инновацион ғоя ва технологиялар асосида ёшларнинг мақсад ва вазифалари, уларнинг ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузини, обрў-эътиборини оширишга алоҳида эътибор қаратайлик.

\*\*\*

Ёшларимиз хориждаги тенгдошлари билан илм-фан, маданият, тадбиркорлик, спорт ва бошқа соҳаларда фаол мулоқотда бўлишлари мақсадга мувофиқдир.

\*\*\*

Ёшларда янгиликка интилиш кучли, ихтиро қилишга, кашфиёт яратишга иштиёқ жуда баланд.

\*\*\*

Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш барча бўғиндаги давлат органлари раҳбарларининг доимий вазифасига айланиши зарур.

\*\*\*

Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлашга илмий ёндашиш зарур.

\*\*\*

Ёшларни иш билан таъминлаш энг долзарб вазифадир.

\*\*\*

Қизлар тарбияси биз учун энг муҳим бўлган вазифалардан биридир.

\*\*\*

Қизларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, истеъдод ва қобилиятини юзага чиқариш, улар орасида ҳақиқий етакчиларни тарбиялаш ишларини янада кучайтириш керак.

\*\*\*

Юртимизда ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилаш, ёшларни турли диний экстремистик оқимлар таъсиридан асраш барчамиз учун энг асосий вазифадир.

\*\*\*

Ўз болангни ўзинг асра.

\*\*\*

Ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифамиздир.

\*\*\*

Ёшларимизни доимо янгича фикрлаш, ўйлаш ва яшашга ўргатишимиз керак.

\*\*\*

Ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим.

\*\*\*

Ёшларимизнинг жисмоний ва маънавий салоҳияти, истеъдод ва маҳоратини намоёниш этиши учун зарур шароитларни яратиб берайлик.

\*\*\*

Бир боланинг йўлдан адашиши – бу нафақат бир оила, балки бутун жамият бошига тушган кулфатдир.

\*\*\*

Тарбия, тарбия ва фақат тарбия.

\*\*\*

Илм бир дарахт бўлса, одоб унинг мевасидир.

\*\*\*

Бир болага етти қўшни – ҳам ота, ҳам она.

\*\*\*

Баркамол авлод – Ўзбекистоннинг ишончи, таянчи ва кудратли кучи.

\*\*\*

Болалар спорти ривожини таълим-тарбия соҳасининг ривожидир.

\*\*\*

Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантиришни умум-миллий ҳаракатга айлантирайлик.

\*\*\*

Соғлом ва аҳил оилалар кўпайса, жамиятимизда соғлом муҳит мустаҳкамланади.

\*\*\*

Ўзбекистон спортчи ёшлари халқаро беллашув ва рақобатларда ҳеч қачон, ҳеч кимдан кам бўлмайди.

\*\*\*

Спорт ёшларни кучли, мард ва жасур қилиб камол топтиради.

\*\*\*

Спорт – соғлом авлод, соғлом келажақ.

\*\*\*

Спорт ёшларимиз парвозига қанотдир.

\*\*\*

Спорт ва соғлом оила – соғлом бола ва соғлом жамият асоси.

\*\*\*

Оилада ота-она спорт билан шуғулланса, фарзандлари ҳам улар изидан бориб соғлом бўлади.

\*\*\*

Спортга қизиқиш – соғлом бўлишга интилишдир.

\*\*\*

Спорт билан шуғулланган йигит-қизлар соғлом ва бақувват, фикри тиниқ бўлади.

\*\*\*

Кескин кураш ва беллашувларда азму шижоат ва қатъият кўрсатинг!

\*\*\*

Спортчи ёшларимиз халқимиз, Ўзбекистонимизнинг таянчи ва суянчидир.

\*\*\*

Азиз болаларимизни жисмоний ва маънавий соғлом этиб тарбиялаш – буюк мақсадимиз.

\*\*\*

Ёшларимизнинг спортдаги ютуқлари гўзал ва бетакрор Ватанимизга меҳр қўйиб, ғурур ва ифтихор билан яшашга чорлайди.

\*\*\*

Жисмоний тарбия ва спорт, энг аввало, болалар саломатлигини мустаҳкамлайди.

## МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ – ЭРТАНГИ КУНИМИЗГА ЗАМИН

*(Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мактабгача таълим тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга бағишлаб ўтказган йиғилишларда сўзлаган нутқларидан олинган ва шу мавзуга оид бошқа матнлар)*

**Тарбия биз учун ё ҳаёт ё мамот, ё нажот ё ҳалокат,  
ё саодат ё фалокат масаласидир.**

**Абдулла АВЛОНИЙ**

Мактабгача таълим соҳасида замонавий тизим яратиш муҳим вазифамиздир.

\*\*\*

Миллатнинг соғлом генофондини тайёрлаш, аввало, мактабгача таълим тизимидан бошланади.

\*\*\*

Мактабгача таълим тизими узлуксиз таълимнинг биринчи, энг асосий бўғинидир.

\*\*\*

Мактабгача таълим ёш авлод тарбиясининг биринчи ва муҳим бўғинидир.

\*\*\*

Мактабгача таълим тизимида сифат ўзгаришига эришишимиз муҳимдир.

\*\*\*

Мактабгача таълим муассасаларида соғлом овқатланиш тизимини йўлга қўйиш муҳим вазифамиздир.

\*\*\*

Мактабгача таълим ҳар томонлама соғлом ва баркамол болани тарбиялаш ва мактабга тайёрлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

\*\*\*

Мактабгача таълим муассасалари фаолиятини тубдан яхшилаб, ҳар жиҳатдан замонавий таълим тизимини яратиш долзарб масаладир.

\*\*\*

Фарзандларимизнинг мактабда қандай ўқиши, юксак мақсадлар билан камол топиши қўп жиҳатдан мактабгача таълим муассасасидаги тарбияга боғлиқдир.

\*\*\*

Давлат-хусусий шериклик асосида нодавлат боғчалар тармоғини кенгайтириш давр талабидир.

\*\*\*

Боғчаларда болаларни белгиланган меъёрлар асосида тўғри ва сифатли овқатлантиришни ташкил этиш муҳим вазифамиздир.

\*\*\*



# ТИББИЁТ СОҲАСИНИ ТУБДАН ИСЛОҲ ҚИЛИШ КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАМИЗДИР

*(Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг соғлиқни сақлаш соҳасининг бир гуруҳ етакчи мутахассислари билан учрашувдаги маърузаларидан олинган ва шу мавзуга оид бошқа матнлар).*

Соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан биридир.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

Тиббиёт соҳасини тубдан ислоҳ қилиш кечиктириб бўлмайдиган энг муҳим вазифамиздир.

\*\*\*

Инсон манфаатлари деганда, аввало, инсоннинг саломатлиги, замонавий тиббий хизматдан тўлақонли фойдаланиши ҳам назарда тутилади.

\*\*\*

Соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш, тиббиёт ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, даволашнинг замонавий технология ва ускуналарини кенг жорий этиш муҳимдир.

\*\*\*

Тиббиёт ходимлари саломатлигимиз посбонларидир.

\*\*\*

Тиббиёт халқимиз саломатлиги, айниқса, ёш авлод келажагига дахлдор соҳадир.

\*\*\*

Халқимиз энг сўнгги усул ва русумлардаги тиббий хизматдан баҳраманд бўлиши лозим.

\*\*\*

Соҳа ходимлари тиббиётнинг энг илғор, замонавий ютуқларини, даволаш усулларини ўзлаштирмоғи зарур.

\*\*\*

Аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини юксалтириш муҳим вазифамиздир.

\*\*\*

Эртанги кунимизнинг давомчиларини соғлом дунёга келтириш кўп жиҳатдан аёлларимизнинг саломатлигига боғлиқдир.

\*\*\*

Тиббий хизмат инсон манфаатларини таъминлашнинг муҳим омилларидан биридир.

\*\*\*

Шифокорларнинг маданиятини, маънавиятини, масъулиятини ошириш, беморларга муносабатини ўзгартириш зарур ва муҳимдир.

\*\*\*

Инновацион ғоялар ва янги технологияларни тиббиёт соҳасига олиб кириш, улардан халқ саломатлигини сақлаш йўлида фойдаланиш муҳимдир.

\*\*\*

..

# ҚОНУН ВА АДОЛАТ УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БАРЧА ЭЗГУ МАҚСАДЛАРИМИЗГА ЭРИШИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ШАРТИДИР

*(Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг суд органлари ходимлари билан 2017 йил 13 июндаги учрашувида сўзлаган нутқидан олинган ва шу мавзуга оид бошқа матнлар).*

Халқимиз ҳамма нарсадан устун кўядиган адолатни қарор топтириш энг асосий вазифамиздир.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

Куч адолатдадир.

\*\*\*

Суд жамият ҳаётида қонун устуворлиги, адолат барқарорлигини таъминлайдиган мустақил ҳокимият тармоғидир.

\*\*\*

Судья адолат посбони бўлиши керак.

\*\*\*

Инсон манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш устувор вазифамиздир.

\*\*\*

Судьялик ўта масъулиятли ва шарафли касбдир.

\*\*\*

Судьянинг онгида фақат адолат, тилида фақат адолат, дилида эса поклик бўлиши шарт.

\*\*\*

Судларнинг асосий вазифаси адолатни қарор топтиришдан иборатдир.

\*\*\*

Судьялар адолатни фақат ва фақат қонунга асосланган ҳолда рўёбга чиқаришлари шарт.

\*\*\*

Окни ок, қорани қорага ажратиш, адолатни ҳимоя қилиш судьяларнинг асосий вазифаси ва бурчидир.

\*\*\*

Судья ҳукм чиқаришдан олдин етти марта эмас, керак бўлса, етмиш марта ўйлаб қарор қабул қилиши шарт.

\*\*\*

Судья доим халқпарвар бўлиб, адолатли иш олиб борсин.

\*\*\*

Адолат – халқимиз учун тинч ва фаровон ҳаёт мезони, барча эзгуликлар манбаи.

\*\*\*

Одамлар ҳамма нарсага чидаши мумкин, лекин адолатсизликка чидай олмайди.

\*\*\*

Адолат қонун устуворлигида намоён бўлади.

\*\*\*

Адолат бўлмаса, дунё зимистон бўлади, ҳаётда ҳеч қандай маъно-мазмун бўлмайди.

\*\*\*

Ҳаётимизда фақат адолат ва яна бир бор адолат ҳукмрон бўлиши керак.

\*\*\*

Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг вазифаси фуқароларнинг қонуний манфаатларига хизмат қилиш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

\*\*\*

Янгича фикрлайдиган, ташаббускор, эл-юртга садоқатли кадрларга кенг йўл очиб берайлик.”

## **ДЎСТЛИК ВА ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИКНИНГ ЁРҚИН ТИМСОЛИ**

*(Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг хоризжий мамлакатларга Давлат таширфлари ва бошқа маросимларда сўзлаган нутқларидан олинган дўстлик ҳамда қардошлиқни улуғловчи ва шу мавзуга оид бошқа матнлар)*

**Қўшни давлатлар билан биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз туфайли минтақамизда сиёсий ишонч даражаси дунёда сезиларли ошди.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасида қарор топган дўстлик алоқалари яхши қўшничилик муносабатларининг намунасидир.

\*\*\*

Ўзбекистон ва Туркменистон стратегик шерик давлатлардир.

\*\*\*

Ўзбекистон ва Туркменистоннинг ташқи сиёсати тинчлик-севарлик ва яхши қўшничилик тамойилларига асослангандир.

\*\*\*

Ўзбек ва туркман халқларининг тарихи ва маданияти муштарак, урф-одат ва анъаналари ҳамоҳангдир.

\*\*\*

Халқларимиз бирдамлиги йўлида қилинаётган ишлар қадимий дўстлигимизни янада мустаҳкамлашга қаратилгандир.

***Туркман шоири ва мутафаккири Махтумқулидан  
ҳикमतлар***

Ҳалолга ҳисоб бор, ҳаромга – азоб.

\*\*\*

Кўнгил бўстонида имон – тоза гул.

\*\*\*

Юрт юкин кўтарар марду майдонлар.  
Мақсадига етар интилган чиндан.

\*\*\*

Ориф бўлсанг, маъно англа ҳақ сўздан.

\*\*\*

Одам яхшиси олимдир, амал этмаса, золимдир.

\*\*\*

Миннатли ош аччиқ бўлар захардан.

\*\*\*

Яқин қардошлиқ ва ўзаро манфаатдорликка асосланган  
ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди.

\*\*\*

Ўзбекистон ва Қозоғистон давлат раҳбарларининг  
учрашувлари ўзаро ишонч юксак даражада эканлигидан  
далолатдир.

\*\*\*

Ўзбек ва қозоқ бир-бирига елкадош бўлиб, ахил-инок яшаб  
келган илдизи бир халқдир.

\*\*\*

Ўзбек ва қозоқ халқларининг тарихи, тили, маданияти,  
кадриятлари муштаракдир.

\*\*\*

Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва  
ишонч асосига қурилган ҳамкорликни ривожлантириш ташқи  
сиёсатимизнинг муҳим йўналишларидан биридир.

\*\*\*

Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги ҳамкорлик дўстлик  
ва ўзаро ишончга асосланган.

\*\*\*

Ўзбек ва қирғиз халқлари азалдан бир дарёдан сув ичиб,  
яқин дўст, қардош ва оға-инидай яшаб келган.

\*\*\*

Ўзбек ва қирғиз халқлари тарихи, маданий ва диний  
кадриятлари, анъана ва урф-одатлари муштаракдир.

\*\*\*

## **МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ – ТИНЧ, ОСУДА ВА ФАРОВОН ХАЁТИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ КАФОЛАТИ**

*(Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташқиқ этилганининг 26 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригидан ва бошқа маърузаларидан олинган матнлар)*

**Миллий армиямиз мамлакатимизда эркин, озод ва фаровон ҳаёт бунёд этиш, демократик ислохотларни самарали амалга ошириш йўлида ишончли кафолат ва тоғдек таянчдир.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

Ватанимиз мустақиллиги ва суверенитетини сақлаш энг устувор вазифадир.

\*\*\*

Ўзининг буюк тарихи ва аجدодларига муносиб ворис бўлган халқимиз мамлакат хавфсизлигини таъминлашга қодир армияга эгадир.

\*\*\*

Ҳар қандай таҳдид ва хатарларга муносиб зарба беришга доимо тайёр бўлган Қуролли Кучларимиз бор.

\*\*\*

Мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, армия ва халқ бирлигини таъминлаш муҳимдир.

\*\*\*

Ўзбекистон Қуролли Кучлари салоҳиятини ошириш йўлидаги барча саъй-ҳаракатлар, биринчи навбатда, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қилишга қаратилгандир.

\*\*\*

Профессional ҳарбий кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш эътиборимиз марказидадир.

\*\*\*

Ёш авлод қалбида Ватанимиз тақдири учун юксак масъулият туйғусини шакллантирайлик.

\*\*\*

Ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари ва фахрийларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтирайлик.

\*\*\*

Ёшлар ва ҳарбий хизматчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялайлик.

\*\*\*

Қуролини Кучларни янада ривожлантириш, жанговар тайёргарлиги ва қобилиятини ошириш давлатнинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

\*\*\*

Давлатимизнинг мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлаш, армиямизнинг жанговар қудрати ва салоҳиятини ошириш энг муҳим вазифалардан биридир.

\*\*\*

Ватанпарварлик жамиятни ҳар томонлама ривожлантириш борасида энг муҳим сафарбар этувчи кучдир.

\*\*\*

Ватанга садоқат билан хизмат қилиш шарафли бурчдир.

\*\*\*

Миллий Армиямиз – ғурур ва ифтихоримиз!

\*\*\*

Ватан – улуғ, бурч – муқаддас.

\*\*\*

Ҳарбий хизмат – шарафли бурч.

\*\*\*

Сержантлар корпуси миллий армиямизнинг асосий таянчидир.

\*\*\*

Ёшлар армияда нафақат зарур ҳарбий тайёргарликдан ўтади, балки жисмоний ва маънавий жиҳатдан ҳам чиниқади.

\*\*\*

Қуролини Кучларнинг жанговар қобилияти ва тайёргарлигини оширишга, уларнинг юқори даражадаги уюшқоқлиги ва самарали ҳамкорлигига доимий эътибор қаратилади.



\*\*\*

Миллий армиямиз қўшинларини замонавий курол-яроғ ва ҳарбий техника билан қайта таъминлаш энг муҳим вазифамиздир.

\*\*\*

Ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича чоратадбирлар самарадорлигини ошириш диққатимиз марказидадир.

\*\*\*

Ватанимиз тинчлигини қўз қорачиғидек асраш нафақат армиямизнинг, балки барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

**Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга кузатиш ва ҳарбий хизматдан қайтганларни кутиб олиш тантаналари ўтадиган жойларни безатишда фойдаланиладиган матнлар**

Ватанни ҳимоя қилмоқ – шарафли ва олий бурч.

\*\*\*

Миллий армиямиз – тинчлигимиз посбони.

\*\*\*

Ўзбекистон – ягона Ватаним, миллий армиям – фахрим, таянчим.

\*\*\*

Менинг армиям – менинг фахрим.

## **АЁЛ БАХТИ – ЖАМИЯТ БАХТИ**

*(Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишланган 2017 йил 6 мартдаги учрашувда сўзлаган нутқидан олинган ва шу мавзуга оид бошқа матнлар)*

**Мунис ва меҳрибон аёлларимизга эҳтиром ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг оғирини енгил қилиш – барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

8 март – гўзаллик ва нафосат айёми.

\*\*\*

Аёл ва она эзгулик тимсоли, мураббий ва комил инсон тарбиячисидир.

\*\*\*

Қалбимиз ва юрагимиздаги жамики эзгу фазилатлар учун меҳрибон аёллардан умрбод қарздормиз.

\*\*\*

Бизни дунёга келтирган, оқ сут бериб вояга етказган она сиймоси олдида бош эгиб таъзим қиламиз.

\*\*\*

Аёл зоти барчамиз учун азиз ва мўътабардир.

\*\*\*

Миллат келажаги оналар қўлида.

\*\*\*

Ер юзида муқаддас деган сўзга энг муносиб зот онадир.

\*\*\*

Халқимиз она сиймосини доимо улуғлаб, ардоқлаб яшайди.

\*\*\*

Биз она тимсолида Ватанимизни, унинг гўзал ва бетакрор қиёфасини кўрамиз.

\*\*\*

Аёлни эъзозлаш, аёлга эҳтиром кўрсатиш халқимизга хос олижаноб қадриятдир.

\*\*\*

Қиз бола – бўлғуси оила бекаси, келажакимиз эгаси.

\*\*\*

Соғлом зурриёт, баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишда азиз аёлларимизнинг ўрни ва хизматини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди.

\*\*\*

Аёлнинг меҳр-муҳаббати, вафо ва садоқати, фидойилиги сабабли ҳаётимиз чароғондир.

\*\*\*

Аёллар туфайли оилаларимизда тинчлик-осойишталик, кут-барака ҳукм суради.

\*\*\*

Жамиятнинг маданий даражаси унинг аёлларга бўлган муносабати билан белгиланади.

\*\*\*

Аёл бахтли бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам.

\*\*\*

Аёлларга юксак ҳурмат, доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатайлик.

\*\*\*

Ёшларни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашда аёлларимизнинг ақл-заковатига, билим ва тажрибасига таянамиз.

\*\*\*

Қизларимизнинг саломатлигини асраш, уларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарлар эгаси бўлиб вояга етиши, жамиятда муносиб ўрнини топиши учун барчамиз масъулмиз.

\*\*\*

Аёлларнинг ҳаётдан, тақдирдан рози бўлиб, яйраб-яшнаб юришлари, бахту саодати учун доимо сидқидилдан ҳизмат қилишга тайёрмиз.

## НАВРЎЗ БАЙРАМИ ЭНГ ҚАДИМИЙ БАРҲАЁТ ҚАДРИЯТДИР

*(Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон халқига Наврўз табригидан олинган ва шу мавзуга оид бошқа матнлар)*

**Яшариш ва янгиланиш айёми бўлган Наврўзи олам биз учун энг қадимий, асл миллий, ғоят ардоқли байрамдир.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

Азиз ватандошлар, ҳар кунингиз Наврўз бўлсин!

\*\*\*

Наврўз – мўл-кўлчилик даракчиси.

\*\*\*

Наврўз – байрамлар боши.

\*\*\*

Наврўз – янгиланиш, покланиш, яшариш ва юксалиш байрами.

\*\*\*

Наврўз – ҳамжихатлик ва дўстлик байрами.

\*\*\*

Наврўз – яхшилик, сахийлик ва гўзаллик байрами.

\*\*\*

Наврўз – меҳр-мурувват, бунёдкорлик, тинчлик, мўл-ҳосил ва кут-барака элчиси.

\*\*\*

Наврўз эзгуликка ҳамроҳ бўлган ажиб бир шодиёнадир.

\*\*\*

Наврўзни кўтаринкилик, яратувчанлик ва умидбахш орзулар билан нишонлайлик.

\*\*\*

Наврўзи олам гўзал ва дилбар байрамдир.

\*\*\*

Наврўзи олам энг қадимий, асл миллий, ғоят ардоқли байрамдир.

\*\*\*

Наврўз – бу аввало, меҳнат байрами, деҳқончилик байрами.

## **БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗНИНГ МУҚАДДАС ХОТИРАСИ ВА ЖАСОРАТИ ОЛДИДА БОШ ЭГАМИЗ**

*(Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 9 май – Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган, қабул маросимидаги нутқидан олинган ва шу мавзуга оид бошқа матнлар).*

Уруш майдонларидан қайтмаган минг-минглаб юртдошларимизнинг муқаддас хотираси олдида бош эгиб, уларнинг руҳи покларига хурмат бажо келтирамиз. Жанг майдонларида мардлик ва жасорат кўрсатган, фронт ортида фидокорона меҳнат қилган мухтарам фахрийларимизга таъзим қиламиз.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

9 май – Хотира ва қадрлаш куни.

\*\*\*

Буюк аждодларимизнинг муқаддас хотираси ва жасорати олдида бош эгамиз.

\*\*\*

Кексаларни эъзозлаш – одамийликнинг энг олий мезонидир.

\*\*\*

Хотира муқаддасдир.

\*\*\*

Буюк аждодларимизнинг мардлик ва матонати, меҳнат жасорати бугунги ва келгуси авлодлар учун ибрат намунасидир.

\*\*\*

Мўътабар оталаримиз, меҳрибон оналаримиз бошимиздаги тожи давлатимиздир.

\*\*\*

Барчамизни тарбиялаб вояга етказган, ҳаёт йўлларида бизга таянч ва суянч бўлган табаррук инсонлар олдида доимо қарздормиз.

\*\*\*

Кексалар бош бўлиб иззат-хурматда ҳаёт кечираётган оила  
энг бахтли оиладир.

\*\*\*

Тинчлик деган бебаҳо неъматнинг кадрига етайлик.

\*\*\*

Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак.

\*\*\*

Тинчлик учун ҳар биримиз масъул эканлигимизни  
унутмасдан, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшайлик.

\*\*\*

Ота-боболаримизнинг шонли анъаналарини муносиб давом  
эттирайлик.

## МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ КЕЛАЖАККА ИШОНЧ БИЛАН ҚАРАЙДИ

*(Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан олинган ва шу мавзуга оидбошқа матнлар).*

Мустақиллик йилларида – тарихан қисқа бир даврда ўз тақдиримизни ўзимиз ҳал этиш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш, миллий давлатчилигимизни, азалий қадрият ва урф-одатларимизни, муқаддас динимизни тиклаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида улкан ютуқ ва марраларни қўлга киритганимизни фахр билан тилга оламиз.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

1991 йил 31 август санасида қўлга киритилган миллий мустақиллик ХХ асрда халқимиз томонидан амалга оширилган буюк маънавий жасорат намунасидир.

\*\*\*

Мустақиллик куни халқимизнинг энг улуғ ва энг азиз байрамидир.

\*\*\*

Мустақиллик эркинлик ва озодлик, миллий тикланиш ва тараққиётдир.

\*\*\*

Мустақиллик ўзбек халқининг тарихий ютуғидир.

\*\*\*

Ўзбекистоннинг битта йўли бор – мустақилликни мустаҳкамлаб, мамлакатимизни ҳар томонлама юксалтириб, ёруғ ва эркин ҳаёт сари олға юриш.

\*\*\*

Юртимизда тинчлик ва осойишталикни, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш борасида олдимизда янада муҳим ва долзарб вазифалар турибди.

\*\*\*

Буюк келажгимиз ижодкори ва бунёдкори – мард ва олижаноб, меҳнаткаш ва танги халқимиздир.

\*\*\*

Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак.

\*\*\*

Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади.

\*\*\*

Инсонларнинг дарду ташвишини ўйлаб яшаш биз учун одамийликнинг энг олий мезонидир.

\*\*\*

Халқимиз ўз ҳаётидаги ижобий ўзгаришларни келажакда эмас, балки бугун кўриши керак.

\*\*\*

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

\*\*\*

Мустақиллик, энг аввало, халқ бирлиги ва ҳамжиҳатлигидир.

\*\*\*

Мустақиллик эл бирлиги билан кадрлидир.

\*\*\*

Авлодларга озод ва обод Ватан қолдирайлик!

\*\*\*

Ўзбекистон – биз учун ягона ва буюк Ватан!

\*\*\*

Ўзбекистонни бунёдкорлик жаҳонга танитмоқда!

\*\*\*

Ватанни муқаддас билганнинг ғурур ва ифтихори юксак бўлади.

\*\*\*

Ватан ҳисси, Ватан туйғуси барча нарсдан кадрлироқдир.

\*\*\*

Озодлик бор жойда ободлик бор.

\*\*\*

Ўзбекистон – озод ва бетакрор диёр.

\*\*\*

Ўзбекистон – ҳалол меҳнат эъозланадиган юрт.



\*\*\*

Жаҳон кенг, дунёда мамлакат кўп, лекин бу оламда она юртимиз бетакрордир.

\*\*\*

Томирида миллий ғурур, Ватан ишқи жўш урган одамгина буюк ишларга қодир бўлади.

\*\*\*

Ватан озодлиги ва фаровон ҳаёт – ҳар бир инсоннинг олий мақсади.

\*\*\*

Ватан барчамизга буюк онадир.

\*\*\*

Халқни Ватан манфаатлари бирлаштиради.

\*\*\*

Шу азиз Ватан – барчамизники, унинг фаровон келажаги ва иқболи учун яшаш, курашиш биз учун энг катта бахтдир.

\*\*\*

Ватан ва халқ манфаатлари муқаддасдир.

\*\*\*

Бетакрор Ватанимиз равнақи йўлида садоқат билан хизмат қилишдан ҳеч қачон толмайлик, чарчамайлик.

## · УСТОЗ – ОТАДЕК УЛУҒ

*(Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига табригидан олинган ва шу мавзуга оид бошқа матнлар)*

**Ҳар бир мурғак болани ўз фарзандидек ардоқлаб, ёш авлод тарбияси учун кўз нури, қалб қўри, бутун борлиғини бахш этадиган ўқитувчи ва мураббийлар фидойи касб эгаларидир.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

**Бизга ҳарф ўргатган, эзгуликдан сабоқ берган меҳрибон муаллимлар, байрамингиз муборак!**

\*\*\*

**Ўқитувчи ва мураббийлар биз учун ибрат намунаси, юксак инсоний фазилатлар тимсолидир.**

\*\*\*

**Азиз муаллимлар, сизларга ҳеч қачон узиб бўлмайдиган қарздорлик ҳисси билан таъзим қиламиз.**

\*\*\*

**Дунёнинг бор бойлик ва ҳазинаси билан ҳам муаллимларнинг олижаноб меҳнати ҳаққини адо этиб бўлмайди.**

\*\*\*

**Эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган фарзандларимиз камолида ўқитувчи ва мураббийларнинг ҳиссаси бекиёсдир.**

\*\*\*

**Биз доимо азиз ўқитувчи ва мураббийларга, уларнинг билим ва тажрибасига, истеъдод ва маҳоратига суянамиз.**

\*\*\*

**Ёшларни эзгу инсоний ғоялар руҳида камол топтириш мураббийларнинг асосий вазифасидир.**

\*\*\*

**Ўқитувчи ва мураббийларнинг меҳнати оғир ва машаққатли, шу билан бирга шарафлидир.**

\*\*\*

**Ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини муносиб кадрлаш учун давлатимиз ва жамиятимиз бор куч ва имкониятларини сафарбар этаверадим.**

## **БУЮК ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ**

*(Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан олинган ва шу мавзуга оид бошқа матнлар).*

**Конституция эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

Асосий қонунимиз халқимиз узоқ йиллар орзу қилган миллий мустақиллигимиз ва ривожланиш йўлимиз, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатидир.

\*\*\*

Қонуннинг бирдан-бир манбаи ва муаллифи том маънода халқ бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси халқимиз сиёсий тафаккурининг юксак намунасидир.

\*\*\*

Конституциямиз ҳеч кимга қарам бўлмасдан, эркин ва озод, тинч ва осойишта, фаровон яшашнинг қонуний кафолатидир.

\*\*\*

Конституция бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш борасида мустаҳкам пойдевордир.

\*\*\*

Конституция ҳаётбахш куч-қудратга эга бўлган қомусдир.

\*\*\*

Конституциямиз халқимиз манфаатларига, давлатимизнинг стратегик мақсадларига тўла жавоб берадиган сиёсий ҳужжатдир.

\*\*\*

Энг аввало, одамларимиз ислохотлар самарасини келажакда эмас, балки бугун ўз ҳаётида ҳис этиши зарур.

\*\*\*

Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир.

\*\*\*

Жазолаш билан кўрkitиб, ҳуқуқбузарликларнинг оқибати билан курашиш эмас, балки ноқонуний ҳаракатлар содир этилишининг барвақт олдини олиш энг долзарб вазифадир.

\*\*\*

Мақсадимиз ислом динининг ҳақиқий инсонпарварлик моҳиятини, маърифий исломни болаларимиз онгига сингдиришдир.

\*\*\*

Буюк келажагимиз бугундан бошланади.

\*\*\*

Бизнинг фаолиятимиз энг муҳим конституциявий қондага – ижтимоий адолат тамойилини таъминлашга қаратилиши шарт.

\*\*\*

Қонун адолатли бўлса, у инсон ҳуқуқларини амалда ҳимоя қилса, шундагина одамлар қонунни ҳурмат қилади ва унга итоат этади.

\*\*\*

Фуқароларнинг фикр, сўз ва эътиқод эркинлигига доир конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш ривожланган демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим шартидир.

\*\*\*

Барчамиз Ватанимиз равнақи учун, мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш учун, тарихий, маънавий ва маданий меросимизни сақлаш, бойитиш ва келгуси авлодларга безавол етказиш учун бирдек масъулдир.

\*\*\*

Конституция ва қонун устуворлиги ҳамда қонунийлик тамойилларининг сўзсиз таъминланиши инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг муҳим кафолатидир.

\*\*\*

Конституция ҳамда қонун талабларига оғишмай амал қилиш маънавий савиямиз, маданиятимизнинг асосий мезонига айланиши шарт.

\*\*\*

Конституциямиз халқимиз сиёсий, ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунасидир.

## МАҲАЛЛА ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИМИЗНИНГ КЎЗГУСИДИР

Маҳалла – соғлом турмуш тарзи маскани.

\*\*\*

Маҳаллаларимизни обод масканга айлантирайлик.

\*\*\*

Тўйларимизни ихчам ўтказайлик!

\*\*\*

Маҳалла ободлигига улуш қўшайлик!

\*\*\*

Маҳалла – меҳру шафқат маскани.

\*\*\*

Обод маҳалла – эзгулик бешиги ва чинакам тарбия ўчоғи.

\*\*\*

Маҳаллаларимизни тоза ва озода тутайлик!

\*\*\*

Соғлом турмуш тарзига зид бўлган сохта урф-одатларга чек қўяйлик!

\*\*\*

Дабдабазлик ҳамда ортиқча маросимлар ҳар бир оила ва ота-онанинг елкасига оғир юк бўлиб тушишини унутмайлик.

\*\*\*

Маҳалламиздаги ёлғиз, кам таъминланган қарияларга мурувват кўрсатайлик!

\*\*\*

Ўз уйимиз, маҳалламиз ва юртимизни ҳимоя қилиш, асраш муқаддас фуқаролик бурчимиздир.

\*\*\*

Бизга ато этилган гўзал ва бетакрор юртимиз тинчлигини сақлайлик!

\*\*\*

Саранжом-саришта, озода-покиза хонадон – маҳалла кўрки.

\*\*\*

Хонадон иссиқхонаси – оила хазинаси.

\*\*\*

Хонадонларда оилавий бизнес ривожланса, боқимандалик барҳам топади.

\*\*\*

Ҳар бир хонадонда оилавий бизнесни ташкил этиш маҳалла фаровонлиги гаровидир.

\*\*\*

Ўқувчиларнинг давомати устидан жамоатчилик назоратини таъминлашда маҳалланинг ўрни муҳимдир.

\*\*\*

Томорқаларда паррандачилик, чорвачилик, боғдорчилик, мева-сабзавотчилик билан шуғулланиш фаровонлик гаровидир.

### *Дуогўй нурунийларимиз оилаларимиз кўрки ва ифтихоридир*

Нурунийларнинг жамоатчилик назорати халқ ҳокимиятининг муҳим бўғинидир.

\*\*\*

Нурунийлар Ҳаракатлар стратегияси ва инновацион ғоя ҳамда янги технологияларнинг фаол тарғиботчисидир.

\*\*\*

Кўп йиллар давомида ҳалол ва самарали меҳнат қилган, ёшларни она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаб хурмат қозонган нурунийлар доимо ардоғимизда.

\*\*\*.

Ҳаётимиздаги олижаноб фазилатларни, шукроналик, меҳр-оқибат, ҳамжихатлик каби эзгу қадриятларни мустаҳкамлашда нуруний отахон ва мунис онахонларнинг ўрни бекиёсдир.

\*\*\*

Нурунийларнинг жамоатчилик назорати, томорқа маданиятини юксалтириш, уюлмаган ёшлар билан натижадорликка асосланган иш амалиёти тизимли бўлсин.

\*\*\*

Нурунийлар ёшларнинг тинчлик, эзгулик ва гўзалликка интилишини рағбатлантирувчи дуогўйларимиздир.

## ОГОҲЛИК, ҲУШЁРЛИК – ЗАМОН ТАЛАБИ

*(Огоҳлик ва ҳушёрликка даъват этувчи, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга чорловчи, одам савдоси, диний экстремизм, миссионерлик, прозелитизм, терроризм, гиёҳвандлик, “оммавий маданият” каби иллатларга қарши курашда фойдаланиладиган шиорлар)*

**Биз ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-қўй, ёшлар тарбияси масаласида ҳушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак.**

### Шавкат МИРЗИЁЕВ

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишда давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эгадир.

\*\*\*

Жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш барчамизнинг вазифамиздир.

\*\*\*

Ишсизлик, гиёҳвандлик, қаровсизлик, оилавий низолар ва бошқа иллатларнинг олдини олиш чораларини кўрайлик.

\*\*\*

Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда аҳоли ҳуқуқий маданиятини ошириш муҳимдир.

\*\*\*

Пайшанба – ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни.

\*\*\*

Ҳар бир маҳаллани жиноятчиликдан холи худудга айлантирайлик.

\*\*\*

Бефарқлик, лоқайдлик ҳолатларига барҳам бериш жамиятда тинч ва осойишта ҳаётни таъминлашнинг асосий шартларидан биридир.

\*\*\*

Маҳаллаларда профилактик тадбирларнинг самарадорлигини оширайлик, ҳуқуқ-тартибот идораларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигини кучайтирайлик.

\*\*\*

Маҳалла посбонлигига фидойи ёшларни сафарбар этайлик.

\*\*\*

Аҳоли онгига жиноятга қўл урмаслик, бировнинг ҳақиға хиёнат қилмаслик, Ватанга садоқатли бўлиш, атрофдаги инсонларга юксак ҳурматда бўлиш фазилатларини сингдирайлик.

\*\*\*

Таълим муассасалари ва ички ишлар органларининг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ёшлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш омилдир.

\*\*\*

Жиноятчиликнинг олдини олишнинг энг муҳим омилларидан бири ишсизликни бартараф этишдир.

\*\*\*

Тинч-осойишта ҳаётимизни мустаҳкамлаш, халқимизнинг кафолатланган ҳавфсизлигини таъминлаш долзарб вазифадир.

\*\*\*

Огоҳ бўлиб яшайдиган одам ҳавф-хатарни олдиндан кўриб, уни бартараф этади.

\*\*\*

Халқимизнинг бирлиги, жипслиги, тинч-тотувлиги бизнинг бебаҳо бойлигимиздир.

\*\*\*

Бугунги шароитда барчамиз янада сезгир, огоҳ ва хушёр бўлайлик!

\*\*\*

Болаларимизни ўзгаларнинг номаъқул тарбияси ва мудҳиш таъсирига ташлаб қўйиш келажагимизга нисбатан кечириб бўлмас хиёнатдир.

\*\*\*

Лоқайдлик инсонни хор-зор этгуси.

Огоҳлик инқоблга, бахтга элтувчи.

\*\*\*



Болангиз интернетда нймалар қилаётганидан хабардор бўлинг.

\*\*\*

Болангизни интернетдаги ижтимоий тармоқ хужуми оқибатлари хусусида огоҳлантиринг.

\*\*\*

Диний экстремизм – бузгунчи куч, унга қарши курашиш барчамизнинг бурчимиздир.

\*\*\*

Терроризм – даҳшатли офат.

\*\*\*

Одам савдосидан огоҳ бўлинг!

\*\*\*

Одам савдоси учун жазо муқаррар!

\*\*\*

Гиёҳвандлик иллатларнинг бошидир, соғлиқнинг душмани, кулфат тошидир.

\*\*\*

Гиёҳвандлик қўймайди омон, одам умрини этади хазон.

\*\*\*

Халкимизнинг тинч ва осойишта ҳаётига тажовуз қилмоқчи бўлган шахслар ҳеч қачон ўзининг қора ниятига етолмайди.

\*\*\*

“Оммавий маданият” шахсни мустақил фикрдан, ўзлигидан жудо қилади.

\*\*\*

Ҳар бир ота-она оилада ғоявий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслиги, бегона қарашларни остонадан киритмаслиги лозим.

\*\*\*

Тинчлик – энг бебаҳо неъмат, тинчлик бўлса, ҳаловат бўлади, ҳаловатли элнинг эса ҳар бир куни файзли, тароватли ўтади.

\*\*\*

Ўзбекистон учун, бугунги ва келажак авлод учун энг катта бойлик элнинг тинчлиги ва осойишталигидир.

\*\*\*

Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди.

\*\*\*

Барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, қатъият билан ҳаракат қилишимиз, жирканч, ёвуз бало-қазоларни таг-томири билан юлиб ташлашимиз зарур!

\*\*\*

Юртимизда тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, турли хавф-хатарларга қарши курашиш бўйича фаолиятимизни ҳар томонлама кучайтириш замон талабидир.

\*\*\*

Ўз боламизни, ўз уйимиз ва ўз маҳалламизни ўзимиз асрайлик.

Бизнинг жону жаҳонимиз бўлган фарзандларимиз душманлар кўлида қуролга айланиб қолмасин.

\*\*\*

Эрур сен шоҳ – агар огоҳсен сен,  
Агар огоҳсен сен – шоҳсен сен.

**Алишер НАВОИЙ**

Тинчлик ва хотиржамлик икки улуғ неъматдир.

**Имом БУХОРИЙ**

\*\*\*

“Ер юзида бузгунчилик қилмангиз”.

**Бақара сураси, 60-оят**

\*\*\*

“Кимки ёмонлик касб этса ва гуноҳлари уни ўраб олган бўлса, бас, ана ўшалар дўзах аҳлидирлар”.

**Бақара сураси, 81-оят**

\*\*\*

“Фитна қотилликдан ҳам ашаддийроқдир”.

**Бақара сураси, 191-оят**

\*\*\*

“Қиёмат Қоим бўладиган кунда жиноятчилар ноумид бўлурлар”.

**Рум сураси, 12-оят**

\*\*\*

“Бас, хайрли (савобли) ишларда бир-бирингиздан ўзишга ошиқингиз”.

**Моида сураси, 48-оят**

\*\*\*

“Инсонларнинг яхшиси бошқа инсонларга фойдаси етганидир”.  
Ҳадис

\*\*\*

Мўминнинг нияти унинг амалидан яхшидир.

**Имом БАЙҲАҚИЙ**

\*\*\*

Ким бир мўминдан дунё ғам-ташвишларидан бирини камайтирса, Аллоҳ ундан киёмат куни ғамларидан бир ғамни камайтиради. Ким бир кийналган кишига енгиллик қилса, Аллоҳ унга дунё ва охиратда енгиллик қилади.

**Имом МУСЛИМ**

## **ДЕҲҚОН – ҲАЁТНИНГ БАҚУВВАТ УСТУНИ, ТИРИКЛИКНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ**

*(Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан олинган ва шу мавзуга оид бошқа матнлар).*

**Ризқ-рўзимиз бунёдкори бўлган қишлоқ хўжалиги ходимлари меҳнатини улуғлаш, соҳа ривожини янги босқичга кўтариш асосий вазифамиздир.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

Ҳаракатлар стратегияси – бу янгиланиш жараёнларининг хақиқий ҳаракат дастуридир.

\*\*\*

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ходимлари кунини белгиланганлиги ҳаётимиздаги яна бир адолатли қарордир.

\*\*\*

Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади.

\*\*\*

Миришкор деҳқон ва фермерлар, сувчи ва ирригаторлар, механизатор ва агрономлар дунёдаги энг шарафли касб эгаларидир.

\*\*\*

Аграр соҳанинги меҳнати шарафли, нони тотли ва шириндир.

\*\*\*

Деҳқон деганда бепоен далалар, боғ-роғлар, дастурхонимиздаги турли ноз-неъматлар, тўю томошалар, хурсандчилик кунларимиз, бутун ҳаётимиз кўз олдимизда намоён бўлади.

\*\*\*

Ўзбек деҳқонлари она заминимизга, муқаддас тупроғимизга энг садоқатли. Элу юрт тақдири учун чинакам фидойи инсонлардир.

\*\*\*

Ердан унумли фойдаланиш ва уни талон-торож қилишнинг олдини олиш энг муҳим вазифалардан биридир.

\*\*\*

Ҳар қарич ер давлатнинг, демакки, халқимизнинг бебаҳо бойлигидир.

\*\*\*

Ерни боқсанг, ер ҳам сени боқади.

\*\*\*

Аҳолини сифатли гўшт, сут, тухум ва балиқ маҳсулотлари билан етарлича таъминлаш энг асосий вазифаларимиздан биридир.

\*\*\*

Мева-сабзавот етиштиришни янада кўпайтириш, уни сифатли тарзда аҳолига етказиш ва экспорт қилиш ишларини кучайтириш муҳим вазифалардан биридир.

\*\*\*

Қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришда илм-фаннинг ўрни муҳимдир.

\*\*\*

Ҳар бир ҳудудда тупроқ ва иқлим шароитига мос экин навларини яратиб, жойлаштирайлик.

\*\*\*

Фермер хўжаликларида ҳар қарич ердан унумли фойдаланиш, даромад ҳажмини ошириш муҳим аҳамиятга эгадир.

\*\*\*

Илм ва изланиш бўлмаган жойда ҳеч қандай ривожланиш, юксалиш ва умуман, бирор-бир соҳанинг келажаги бўлмайди.

\*\*\*

Қишлоқ хўжалигида ишларни фидойилик ва омилкорлик билан тўғри ва самарали ташкил этишимиз керак.

\*\*\*

Ўз ҳаётини қишлоқ хўжалиги соҳаси билан, саховатли заминимиз билан боғлаган фидойи инсонлардан фахрланамиз.

Ҳосилимиз янада мўл, хирмонимиз ҳар қачонгидан юксак бўлсин.

\*\*\*

Ўзбек замини, ўзбек деҳқони доимо бор бўлсин, омон бўлсин, унга ҳамиша улуғ зафарлар ёр бўлсин.

\*\*\*

Тадбирқору деҳқон ва фермер нафақат ўзини ва оиласини, балки халқни ҳам, давлатни ҳам боқади.

\*\*\*

Тўқинлик – деҳқон меҳнати, замин саховатидан.

\*\*\*

Қишлоқ истиқболи – юрт истиқболи.

\*\*\*

Деҳқон деб ўйлама ҳар ким сочса дон,  
Донидан дон чиқса, ўшадир деҳқон.

\*\*\*

Деҳқончилик тараққиёти – фаровонлик манбаи.

\*\*\*

Ер деҳқонни боқади, деҳқон эса элни боқади.

\*\*\*

Деҳқон ва фермерлар қишлоқ хўжалигининг таянч устунларидир.

\*\*\*

Деҳқон ва фермерларимиз етиштирадиган маҳсулотлар жаҳон бозорида ҳам рақобатдош, ҳам харидорғир бўлсин.

\*\*\*

Деҳқонлар ўзини ернинг, мулкнинг ҳақиқий эгаси деб ҳис қилаётгани улкан ютуқлар омилidir.

\*\*\*

Ерга қанчалик меҳрли, саховатли бўлсанг, ер ҳам сенга шунчалик саховат кўрсатади.

\*\*\*

Экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш биз учун асосий йўналишлардан биридир.

\*\*\*

Фермер – бугунги жамиятнинг энг фаол, энг ишончли аъзоси, фаровон ҳаёт бунёдкори.

\*\*\*

Томорқа кўшимча даромад манбаидир.

\*\*\*

Томорқа халқимизни бой қилиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг энг муҳим омилидир.

\*\*\*

Дехқонки, дона сочар, ерни ёрмоқ била ризк йўлин очар. Одам маъмуриги алардин, олам ахли масруриги алардин. Ҳар қаён қилсалар ҳаракат, элга ҳам қут еткурур, ҳам баракат.

**Алишер НАВОИЙ**

\*\*\*

Дехқончилик мўъжиза яратиш билан баробардир.

**Ислом КАРИМОВ**

\*\*\*

Ишбилармон, мардлик ва шижоат сохиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.

**Амир ТЕМУР**

\*\*\*

Дехқончилик қилиб зироат экиш фойда-ю хайр-барака бирла муштарақдир, ўз халқини беҳад кўп хайр-баракага бурқайди.

**Махмуд ЗАМАХШАРИЙ**

\*\*\*

Узоқ вақт ишлов берилмай ва экин экилмай қолган ер энг бахтсиз заминдир.

\*\*\*

Ўз вақтида ерга тоза уруғ сепмоқ ўн минг ибодатдан, ҳар қандай қурбонликдан афзалдир.

**“Авесто”дан**

\*\*\*

“Бир мусулмон бир дарахт ўтказса ёки бир экин экса ва унинг мевасидан инсон ё қуш, ёки ҳайвон еса, унга садақанинг савоби бордир”.

**Ҳадис**

\*\*\*

Ҳар бир инсоннинг кадр-қиммати ўз ишини қойил қилиб бажаришида.

**Абу Райҳон БЕРУНИЙ**

\*\*\*

Кимки ўз манфаатини бир ёққа қўйиб, машақкатлар билан ўзгаларнинг манфаатини кўзласа, кишиларнинг эзгуси ўша бўлади.

**Юсуф ХОС ҲОЖИБ**

\*\*\*

Барча қийин ишларни фақат ва фақат тадбир билан ҳал қилиш мумкин.

**Маҳмуд ЗАМАХШАРИЙ**

\*\*\*

Ақлли бўлишнинг ўзи етарли эмас. Энг асосийси, уни амалда қўллай билишдир.

**Рене ДЕКАРТ**

\*\*\*

Эзгу ишнинг мукофоти унинг амалга ошишидадир.

**СЕНЕКА**

\*\*\*

Улуғлигинг ошса агар, хушхулқ бўлғил,  
Бек ёнида халқлар учун хўб иш қилғил.

**Маҳмуд КОШҒАРИЙ**

\*\*\*

Юртим, буюклигинг билди кенг жаҳон,  
Тўлди омборларинг ўз донинг билан.  
Сийлайсан оламни ёзиб дастурхон,  
Меҳнатдан яралган шу нонинг билан.

**Абдулла ОРИПОВ**

\*\*\*

Заҳмат чеккан лаззатни яхши билади.

\*\*\*

Ҳалол меҳнат билан топилган ва хайрли ишларга сарфланган бойликдан кўра яхшироқ бойлик йўқ.

\*\*\*

Умрини дангасалик билан ўтказган одамга ҳеч қачон муваффақият ёр бўлмайди.

\*\*\*

Тозалик саломатликнинг энг биринчи сабаби ва иллатлардан қутулишнинг улуғ йўлидир.

\*\*\*



Тинч бўлай десанг, нафсинг хоҳишига қарама-қарши иш қил.  
Оталар сўзлари

\*\*\*

Сув – ҳаёт манбаи, уни тежанг.

\*\*\*

Касбнинг энг яхшиси кишининг ўз қўли билан бажарилган  
меҳнатидир.

\*\*\*

Баҳор жаҳоннинг нақшидир.

### Халқ мақолларидан намуналар

Ер ҳайдасанг, куз ҳайда,  
Куз ҳайдамасанг, юз ҳайда.

\*\*\*

Дехқоннинг хазинаси – ер, калити – тер.

\*\*\*

Дуо билан эл кўқарар, ёмғир билан ер кўқарар.

\*\*\*

Мол боққоннинг бармоғидан мой оқар.

\*\*\*

Яхшидан боғ қолади, ёмондан – доғ.

\*\*\*

Дарё сувини баҳор тоширар,  
Одам қадрини меҳнат оширар.

\*\*\*

Эрта эксанг, эрта ўрасан.

\*\*\*

Меҳнат, меҳнатнинг таги – роҳат.

\*\*\*

Баҳорнинг бир куни бир йилни тўлдиради.

\*\*\*

Барвақт қилинган ҳаракат,  
Ҳосилга берар баракат.

\*\*\*

Бир йил тут эккан киши юз йил гавҳар теради.

\*\*\*

Бир киши ариқ қазийди,  
Минг киши сув ичади.

\*\*\*

Бирни кессанг, ўнни эк.

\*\*\*

Иш қуролинг соз бўлса,  
Машаққатинг оз бўлур.

\*\*\*

Товуқни есанг, бир ейсан,  
Тухумини есанг, минг ейсан.

\*\*\*

Асад суви – асал суви.

\*\*\*

Баҳорги ҳаракат – кузги баракат.

\*\*\*

Боғ жамоли – боғбондан.

\*\*\*

Боғи борнинг бахти бор.

\*\*\*

Буғдой нонинг бўлмаса ҳам, буғдой сўзинг бўлсин.

## АДАБИЁТ ВА МАДАНИЯТ ЯШАСА, МИЛЛАТ ЯШАЙДИ

*(Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузасидан олинган ва шу мавзуга оид бошқа матнлар).*

**Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустахкам пойдеворидир.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

Адабиёт ва санъат қудратли кучга эгадир.

\*\*\*

Ватанимиз тарихининг бадий соломасини зиёли ижодкорлар яратади.

\*\*\*

Фидойи ва фаол зиёлларимиз замон билан ҳамнафас ижод қилиб, бошқаларга ўрнак ва намуна бўлиши керак.

\*\*\*

Адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу, аввало, халқимизга, келажагимизга эътибордир.

\*\*\*

Адабиёт ва маданият яшаса, миллат яшайди.

\*\*\*

Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз, улуғ аждодларимиз, бекиёс бойликларимиз бор. Насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз, буюк адабиётимиз ва буюк санъатимиз ҳам, албатта, бўлади.

\*\*\*

Илмга, ижодга, кашф этишга интилиш – бу энг олижаноб интилишдир.

\*\*\*

Адабиёт ва санъатнинг чинакам мухлиси бўлиш ҳам бахтдир.

\*\*\*

Ёш авлодни гуманистик ғоялар, миллий ғурур ва ифтихор руҳида тарбиялаш эзгу мақсадимиздир.

\*\*\*

Фидойилик кўрсатиб, ўзликни англаб, ғурур ва ифтихор, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ижод аҳлига хос эзгу фазилатдир.

\*\*\*

Ижодкор зиёлилар, энг аввало, эл-юрт тақдири учун қуюниб, ёниб яшаши керак.

\*\*\*

Маданият ва санъат аҳли фаоллик, янги-янги ижодий ғоя ва ташаббуслар билан яшаши лозим.

\*\*\*

Маданият ва санъат арбоблари ҳамиша жамиятнинг энг олдинги сафларида бўлиши, ўз асарлари билан одамларни эзгу мақсад ва марралар сари илҳомлантириши керак.

\*\*\*

Ижодкор зиёлиларга Яратганнинг ўзи ноёб истеъдод ва салоҳият ато этганки, бу ҳар қимга ҳам насиб этавермайди.

\*\*\*

Ижодий уюшмалар ижодкор зиёлиларга ҳақиқий таянч ва суянч бўлиши зарур.

\*\*\*

Соғлом танқид, баҳс ва тортишув бўлмаган жойда чинакам ижод бўлмайди.

\*\*\*

Китобхонлик маданиятини ошириш, илмий, бадиий, сиёсий адабиётларни кўпайтириш муҳим масаладир.

\*\*\*

Азиз зиёлилар, истеъдод ва маҳоратингизни шу муқаддас замин, шу олижаноб халқимиз учун сафарбар этинг.

\*\*\*

Ўзбек халқи санъатсевар халқ.

\*\*\*

Санъаткор одоби, юриш туриши, кийиниш маданияти, муомаласи билан бошқаларга ўрнак бўлиши зарур.

\*\*\*

Тўй-маъракаларимиздаги исрофгарчилик, дабдабозлик, мақтанчоқлик миллатимизни маънавий таназзулга етаклайдиган иллатдир.

\*\*\*

Тўй-маърака бу фақат шахсий иш эмас, балки ижтимоий масаладир.

\*\*\*

Маънавий ҳаётимизни янги, юксак босқичга кўтариш муҳим вазифамиздир.

\*\*\*

Иқтидорли ёшларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодий камолоти учун барча шароитларни яратиш устувор вазифамиздир.

\*\*\*

Мақом санъати халқимизнинг ноёб меросидир.

\*\*\*

Ўзбекистоннинг янги қиёфасини яратишда миллий маданиятимизнинг ўрни ва аҳамияти каттадир.

\*\*\*

Ҳар бир миллатнинг маданияти ва санъати унинг ғурур ифтихоридир.

\*\*\*

Маданий ва маънавий асослари мустаҳкам юртнинг келажаги буюқдир.

\*\*\*

Мамлакатимизда маданият ва санъат тараққий этмаса, жамият ривожланмайди.

\*\*\*

Миллий маданиятимиз – бу халқимиз, жамиятимиз қиёфасидир.

\*\*\*

Халқимизнинг ривожланиш даражаси, аввало, миллий маданиятимизга қараб баҳоланади.

\*\*\*

Китобни яхши кўрган халқ Ватанни ҳам қадрлайди.

\*\*\*

Китоб одамларнинг онгу тафаккури, дунёқарашини ўзгартириш, маънавий савиясини юксалтиришнинг энг таъсирчан воситасидир.

\*\*\*

Китоб инсон маънавий оламини бойитишда улкан таъсирга эга бўлган воситадир.

\*\*\*

Китоб билим булоғидир.

\*\*\*

Китоблар доноликни сингдириш қуролидир.

\*\*\*

Китобларни ёқишдан ҳам оғирроқ жиноятлар бор. Шулардан бири уни ўқимаслик.

# **Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов ҳақида жойларда фойдаланиш учун тавсия этиладиган матнлар ва Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асаридан олинган қайдлар**

**Ўтмишдаги боболаримизнинг юксак маънавиятига  
маҳлиё бўлиб, ўзимизнинг бугунги маънавиятимизга бепарво  
бўлишга ҳаққимиз йўқ.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

**Маънавият инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-  
кудратидир.**

**\*\*\***

**Юксак маънавиятга эга бўлган халқ ҳеч кимга, ҳеч қачон қарам  
бўлмайди.**

**\*\*\***

**Халқнинг теран маънавиятисиз, ғурурисиз, юксак маданиятисиз  
буюк давлат қуриб бўлмайди.**

**\*\*\***

**Бизнинг йўлимиз умумбашарий тараққиёт йўлидир.**

**\*\*\***

**Маънавиятимиз муқаддас кадриятларимиздан озикланади.**

**\*\*\***

**Маънавиятни юксалтирмай, иқтисодиётни ривожлантириш  
қийин кечади.**

**\*\*\***

**Маънавият инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга  
чорлайди.**

**\*\*\***

**Маънавият – одамнинг иродасини бақувват, имон-этиқодини  
бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч.**

**\*\*\***

**Эзгу мақсадларга юксак маънавият, узлуксиз маънавий тарбия  
орқали эришилади.**

**\*\*\***

Виждонли инсон ўз юрти ҳамда халқига нисбатан хиёнат ва сотқинликни асло қабул қилолмайди.

\*\*\*

Инсоннинг ички дунёси ва иродаси маънавият негизида тобланади, камолга етади.

\*\*\*

Миллий онги, миллий ифтихори баланд миллатни энгиб бўлмайди.

\*\*\*

Эл-юртнинг ғами, ташвиши билан яшайдиган кишилар жамиятда кадр-қиммат, ҳурмат-эътибор топади.

\*\*\*

“Оммавий маданият” ниқоби остидаги хатардан огоҳ бўлинг!

\*\*\*

Маънавият ва маърифатни тарғиб қилиш зиёлиларнинг виждоний бурчи бўлсин!

\*\*\*

Жаҳолат – маърифат кушандаси.

\*\*\*

Энг олий бахт – юрт тинчлиги, халқ омонлиги.

\*\*\*

Номусли кишида ҳалол яшаш истаги кучли бўлади.

\*\*\*

Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан курашиш мумкин.

\*\*\*

Миллий ғоя халқни бирлаштирувчи кучдир.

\*\*\*

Ватан ва халқ манфаати муқаддасдир.

\*\*\*

Эзгуликлар қилиб, яхши ном қолдирган киши ҳақиқий инсондир.

\*\*\*

Халқнинг бирлиги ва жипслиги, тинчлиги ва тотувлиги – бебаҳо бойлик.

\*\*\*

Бу ҳаётда одамларнинг оғирини энгил қилган инсон ўзини бахтиёр санашга ҳақлидир.



\*\*\*

Ҳар ким савоб иш қилсин, ҳар кун савоб иш қилсин.

\*\*\*

Бугунги эзгу ишларимиз келажак авлод учун хизмат қилади.

\*\*\*

Миллий гурур, миллий ифтихор ҳар қандай ишимизнинг пойдевори бўлмоғи керак.

\*\*\*

Ислом Каримов мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, буюк давлат ва сиёсат арбоби, ўзбек халқининг улуғ ва ардоқли фарзанди эди.

\*\*\*

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов бошлаб берган кенг кўламли сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар йўлини оғишмасдан, қатъий ва изчил давом эттирамир.

\*\*\*

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, барчамиз учун азиз ва қадрли бўлган Ислом Абдуғаниевич Каримов бизга васият қилиб қолдирган ягона мақсад йўлида бирлашайлик.

\*\*\*

Ислом Каримов бошлаган улуғ бунёдкорликлар янги авлодлар куч-ғайрати, ақл-салоҳияти ва жасорати билан бардавом бўлаверади.

\*\*\*

Ислом Каримовнинг – буюк устозимизнинг сиёсий мероси, у киши белгилаб берган тараққиётимизнинг асосий тамойиллари, устувор йўналишлар, мақсад ва вазифаларни сўзсиз ва тўлиқ амалга ошириш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

\*\*\*

Ислом Каримов ўзининг серқирра сиёсий фаолияти, олижаноб инсоний фазилатлари билан Ватанимиз тарихида ўчмас ном қолдирди.

\*\*\*

Ислом Каримов нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон миқёсида катта ҳурмат ва обрў-эътиборга сазовор бўлган улкан сиёсатчи ва давлат арбоби эди.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

